

МАРД ПОСБОНЛАРИ БОР ХАЛҚНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ, ҒУРУР-ИФТИХОРИ БАЛАНД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 13 январдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.



14 январь куни Президент Администрациясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.
Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош

Қўмондони барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклади.
— Мустақиллигимизнинг 30 йилида Қуролли Кучларимиз ташкил топиб, фидойи

аскарлар, офицер ва генераллар етиштириб, зарур аслаҳалар билан таъминланиб, бугун мана шундай етук армияга айланди. Бу жонажон Ватанимиздаги тинчлик,

барқарорлик, халқимизнинг осойишта яшашига замин бўляпти, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўнгги йилларда мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди. Ҳарбий-маъмурий секторлар тузилди. Қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилди. Энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажаришга қодир бўлган бўлинмалар ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошди.

Қуролли Кучлар Академияси, янги ташкил этилган Ҳарбий-тиббиёт академияси, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ва бошқа ихтисослаштирилган ўқув юртлари профессионал кадрлар тайёрлаш масканларига айланиб бормоқда. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш кучаймоқда.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида Хавфсизлик кенгаши йиғилиши ўтказилиб, соҳада бажарилган ишлар ва наватдаги муҳим вазифалар муҳокама қилиб боришмоқда.

— Кечаги йиғилишда биз муносиб куч-қудратимизни бундан ҳам мустаҳкамлаш, ҳар бир йўналишда илмни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш бўйича катта режалар қабул қилдик. Дунёда ва минтақамизда бўлаётган таҳликали воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, халқимизнинг тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги бўйича қўшимча чоралар кўрамиз. Биз фақат ўз кучимизга ишонамиз, — деди Олий Бош Қўмондон.

Ватан ҳимоячилари билим ва фазилатлари билан ёшларга намуна бўлиши кераклиги таъкидланди.

— Ҳарбий округларга, ҳарбий-маъмурий секторларга мен қўйган энг катта вазифа — халқ билан армия бирлигини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш ҳақида

бўлди. Бунда сизлар етакчи, ҳар бир ҳаракатингиз билан ёшларга намуна бўласиз, деб ишонаман, — деди давлат раҳбари.

Инсон қадрини улуғлаш тамойили бу соҳада ҳам намоён. Ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитлари яратилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда 10 мингга яқин ҳарбий хизматчилар имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминланди. Улар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин иш ва тиббий хизматлар билан таъминланиши ҳам эътиборда.

Бугун байрам муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирлар, ватанпарварларга топширилаётган мукофотлар ҳам инсон қадрини улуғлашнинг яна бир намунаси.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сихат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

— Афсуски, ҳамма мукофотланганларни бу залга йиғишнинг иложи йўқ. Лекин барча мукофотланганларни, бугун келолмаганларни ҳам давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан чин дилдан табриклайман. Мукофот бу — эътибор, халқимизнинг ишончи тимсоли. Бу сизларга руҳ, куч-ғайрат бағишлаб, янги-янги муваффақиятларга ундаши керак. Мард посбонлари бор халқнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам, ғурур-ифтихори баланд бўлади, — деди Президент.

Сўзга чиққанлар юксак мукофот ва доимий эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Эҳтиром

ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб катта кўтаринкилик билан нишонланмоқда.

Байрам муносабати билан 14 январь куни эрта тонгда истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.
Мудофаа, Ички ишлар, Фавқуллода вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ҳамда ҳарбий хизматчилари оркестр садолари остида Мустақиллик монументига гулчамбарлар қўйди.
Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси янгради. Тантанали марш садолари ос-

тида фахрий қоровул гуруҳи монумент атрофида кўргазмали юриш қилди.

14 январь куни пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро таш-

килотлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўлаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимизнинг ўта огир шаклланиш йилларида айнан Қуролли Кучла-

римиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қиляпти. Тинч-осойишта ҳаётимиз, ёруғ ва осуда кўнларимиз ҳарбийларнинг фидойилиги, садоқати, матонатига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда мудофаа соҳасини тубдан ислох этиш, уни тезкор замон талабига монанд тарзда муттасил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ҲАЁТИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори халқимизни, зиёлиларимизни, кўп минг сонли университетимиз жамоасини тўлқинлантириб юборди.

Муносабат

Самарқанд давлат университети ўзининг бой тарихи, бутун дунёда тан олинган илмий мактаблари, мазкур даргоҳда ўқиган, фаолият кўрсатган, жажонда эътироф этилган буюк алломалари билан ҳақли равишда фахрланади.
Олий таълим даргоҳида тахсил олган, ишлаган, замонавий университет тамал тошини қўйишда иштирок этган Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Мусо Мўминов, Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдуллаев, Ёрқин Тўрақулов, Акбар Отаҳўжаев, Толиб Мўминов, Шавкат Алимов, Мавлон Жўрақулов, Ботирхон Валихўжаев ва бошқа атоқли инсонлар номи Ўзбекистон олий таълими, илм-фани, маданияти, адабиёти, маърифати, маънавияти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган.
Ўзбек халқининг севилими фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, адиб ва маърифатпарвар Шароф Рашидов 1937 — 1941 йилларда Самарқанд давлат университетида таълим олган. У бир умр СамДўда ўқиганидан фахрланарди. Мамлакат микёсида биринчи раҳбар лавозимида ишлашга қарамасдан, ҳеч қачон ўзи тахсил олган олий даргоҳни унутмаган. Ушбу таълим маскани учун меҳрини, муҳаббатини, эътиборини аяммаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлиф ва ташаббуси билан Самарқанд давлат университетиغا Шароф Рашидовнинг номи берилиши тарихий адолатнинг қарор топишидир. Шароф Рашидов халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган, энг огир йилларда республикаимизни бошқарган тарихий шахсдир. Унинг номи, хотираси халқимиз учун азиз.

Самарқанд давлат университети олимлари, талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари университетга Шароф Рашидов номи берилишини катта мамнуният билан қутиб олди.

Қарорда олий ўқув юртининг таркиби, фаолият йўналишларини янада кенгайтириш бора-сида ҳам қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, университет таркибида Агроботехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда Мухандислик физикаси институтларининг ташкил этилиши, шунингдек, таълим даргоҳининг Ўргут филиали очилиши ҳам иқтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан биридир.



Қонун лойиҳаси — муҳокамада

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари билан бирга, тегишли суд-ҳуқуқ идоралари вакиллари, суд-тиббий экспертизаси масъул ходимлари ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси хулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси, жумладан, ко-



миссиявий ва комплекс суд экспертизалари нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бу каби омиллар суд экспертизасини ўтказишда томонлар учун муқобил суд-экспертиза ташкилотларига мурожаат қилиш имкониятини яратди, нодавлат ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантиради.

Хорижлик экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЕТАКЧИ МАВҚЕГА ЭГА

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан халқаро жамоатчилик вакиллари мамлакатимиз ҳарбий хизматчилари ва юртдошларимизга ўз табригини йўлламоқда.

Биз ва жаҳон

Жан-Антуан ДЮПРА, Марказий Осиё бўйича эксперт, Сорбонна университети фахрий профессори (Франция):

— Ўзбекистон давлатчилигидаги муҳим сана — Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўзининг самимий табрикларини йўллашдан мамнунман.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат мустақиллигининг илм йиллигидан бўён самарали фаолият юритиб келмоқда. Мудофаа давлатнинг ҳам ичи-

да, ҳам ташқарисида миллий хавфсизлиқни таъминлаш ва фуқароларнинг тинч-осойишта яшашини учун ишончли ҳимоянинг асосий устунларидан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон геосиёсий жиҳатдан муҳим минтақада жойлашган. Марказий Осиёда кечаётган сиёсий жараёнлар ва турли воқеалар мамлакат ҳарбий кучларининг нақадар зарур

эканини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан, давлат юксак мудофаа қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Кейинги йилларда мамлакат етакчиси томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар ва модернизация натижасида Ўзбекистон миллий армияси ҳар қандай хавф-хатарга муносиб жавоб бера оладиган қудратли ва тезкор кучга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Франция муносабатлари ибтидоси узок ўтмишга бориб тақалгани ҳолда чуқур тарихий илдизга эга. Сўнгги йилларда сиёсий, парламентлараро, иқтисодий ва маданий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда.



САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 1,4 БАРАВАР ОШИРИЛАДИ

Бунда пахта-тўқимачилик кластерлари локомотив вазифасини ўтайди.

Ислохот самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси юртдошларимиз томонидан қизгин муҳокама қилиниб, кўпплаб таклифлар билдирилмоқда. Бинобарин, мазкур дастурий ҳужжатда кейинги беш йилликда мамлакатимиз тараққиётида янги босқичга олиб чиқиладиган устувор вазифалар ўрин олган. Хусусан, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва яппи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсатни давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 1,4 баробар кўтариш кўзда тутилган.

Ҳўш, бундай юқори олинган ушбу маррага қандай эришилади? Бунинг учун саноат тармоқларида қандай лойиҳалар татбиқ қилинади?



ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

➡ Президентимизнинг байрам табригида ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилгани, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бу эса жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. “Армия ва халқ — бир тану бир жондир” деган улугъ гоани амалда таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуrolли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда. Айниқса, гоат мураккаб ва синовли тарзда мамлакатимиз, бутун халқимиз бошидан ўтган ва ўтаётган оғир пандемия даврида ҳам ҳарбийлар қоронавирус балосини бартараф этиш борасидаги курашда олдинги сафда бўлдилар. Ҳарбий шифокорлар беморларнинг ҳаёти учун енгиллаб тиббиёт ходимлари билан елкама-елка фидойилик кўрсатган бўлсалар, Мудофаа, Фақуллода вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия тизими вакиллари эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш, жамоат тартибини, метин интизомини сақлашга оид саъй-ҳаракатларда пешқадам бўлганини халқимиз кўриб-билиб, ўзи гувоҳи бўлиб турди. Масъулият ва шарафли бурчини сидқидилдан адо этаётган, ҳаётимизнинг барқарорлигига камарбаста бўлаётган фидойи ўқлонларимизни ҳар қанча эъзозласак ҳам кам.

Сўнгги йилларда миллий армиямизнинг жанговар қудрати сезиларли даражада ошди. Ҳарбий қисм ва муассасаларнинг инфратузилмаси яхшиланди. Замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган дала ўқув майдонлари барпо этилди. Мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар янгиланиб, модернизация қилинди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган тадбир-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

лар доимо мамлакатимиз раҳбарининг шахсан эътиборида.

— Кейинги йилларда биз ҳарбийларга кўрсатилаётган эътибор ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзи аксини топмоқда, — деди Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири “Мардлик” ордени соҳиби Муроджон Сафаров. — “Инсон қадрини улуғлаш” тамойили асосида ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шaroитлари яратилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда 10 мингга яқин ҳарбий хизматчилар имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминланди. Хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейинги иш ва тиббий хизматлар билан таъминланишимиз ҳам давлатимиз эътиборида. Буларнинг барчаси хизматда муваффақиятли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқдаки, бунинг учун Президентимизга ўз миннатдорлигини билдираман.

Ҳарбийларимиз билим ва малакада, маҳоратда ва салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмасликларини халқро нуфузли ҳарбий мусобақаларда исботлаб келаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Масалан, 2021 йилнинг 22 август кунидан 4 сентябрга қадар ўтказилган “АрМИ — 2021” халқаро армия ўйинларида иштирок этган вакилларимиз мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳиятини яна бир

бор тўла-тўқис намоён этди. Дунёнинг 11 давлати ҳудудларида 42 мамлакат вакилларида иборат 277 жамоа иштирок этган “АрМИ — 2021” халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон ҳарбий жамоаси Хитой, Хиндистон, Беларусь, Вьетнам каби кучли жамоаларни ортда қолдириб, 4 та олтин, 9 та кумуш ва 4 та бронза медаллар билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Вакилларимизнинг юксак натижалари ва ғалабали иштироки халқро кузатувчилар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Бугун жаҳонда ва минтақамизда юзага келаётган мураккаб, таҳликали вазият Қуrolли Кучларимиздан доимо сергак ва хушёр бўлишни тақозо этмоқда. Қўшни Афғонистонда қоз бераётган воялардан келиб чиқиб, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш учун зарурий чоралар қўрилган. Мудофаа вазирлигининг қўшинлари ва бошқарув органлари, бошқа идораларнинг жанговар бўлинмалари доимий тартибда жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини тақомиллаштириб, мустаҳкамлаб бормоқда. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошди.

Глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчлабларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуrolли можаро ва қарама-

каршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни ҳам қўймоқда. Ана шундай гоат масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуrolли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилуви идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуrolли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуrolли Кучларимиз қўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Бугун Ўзбекистоннинг қудратли, кучли тайёргарликдан ўтган, яхши жиҳозланган ва кучли армияси халқнинг тинч ҳаёти кафолати бўлиб, ташқи кучлар томонидан бўладиган ҳар қандай таҳдидни мустақил қайтаришга тайёр. Замонавий қуrolли заидиятларни олиб бориш тажрибаси ва уларда қўлланиладиган тактик услубларни инobatта олиб, Мудофаа вазирлигининг полигонларида замонавий тактик услублар тадқиқоти ўтказилди ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги дастурларига янги машқлар жорий этилди. Шахсий таркибининг тоғли ва қўлли жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, изгириш об-ҳаво шaroитларида омон қолиш қўникмаларини ошириш учун мутахассисларни тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳарбий хизматчиларга муносиб хизмат ва майиш шaroитларини яратиш, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни сақлаш, ҳарбий хизмат макомини ошириш, чақирқиқча ёшларни тарбиялашга сезиларли ҳисса қўймоқда. Мудофаа вазирлигининг жамоатчилик билан aloқаларига доир умумий стратегияси доирасида Қуrolли Куч-

ларнинг фахрийлари фаол иштирок этиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга садоқат ҳиссини, маънавий ва ахлоқий кадриятларни, мамлакат тақдири учун шахсий жавобгарликни, ёт гоғлардан сақланиш иммунитетини шакллантириш борасида мақсадли иш олиб бормоқда. Ватан ҳимоячилари билим ва фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётир.

— Бу соҳага болалиқдан қизиқман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби Маҳаммаджон Сайданов. — Биз учун ҳарбийлик наинки касб, балки юрак даъвати, умр мазмуни, орият, шону шараф тимсоли. Юртимиз, халқимиз осойишта ҳаётини таъминлаш, шу азиз Ватан тақдирига, унинг келажигига масъулият билан қараш муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 12 январдаги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фақуллода вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланди. Ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари қуни билан табриклаб, Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамқўрлик учун сaмимий миннатдорлик билдирди.

Маросим катта байрам концерти билан аяунланди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Хорижлик экспертлар: ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЕТАКЧИ МАВҚЕГА ЭГА



➡ Бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция ҳарбийлари ўртасида ҳам яқин aloқалар ўрнатилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳарбий кадрлар малака-

сини ошириш ва таълим йўналишидаги ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бугунги кунда ушбу соҳада француз технологиялари ўзбек мудофаа тизимида қўлланаётганини кўришимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчилар жаъмият хавфсизлигининг кафолати ҳисобланади. Ўзбекистонга сидқидил хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда ҳарбий хизматчиларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

Ду ЖИНХО,
Корея Республикаси мудофаа таҳлили институти катта илмий ходими:

— Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ҳамда аскар ва сержантлар, офицер ва генералларни мамлакат Қуrolли Кучлари ташкил қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан сaмимий муворақбад этаман. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳарбий хизматчилари ва фахрийлари-га ўз ҳурматини билдираман. Ўтган 30 йил мобайнида Ўзбекистон Қуrolли Кучлари ўзининг юксак мудофаа салоҳияти туфайли миллий тараққиётга катта ҳисса қўшди.

2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси икки томонлама aloқаларни алоҳида стратегик муносабатлар даражасига кўтарди. Ўзбекистон Президентни Шавкат Мирзиёев ва Жанубий Корея Президентни Мун Чжэ Иннинг олий даражадаги мунтазам учрашувлари ўзаро ишончни янада мустаҳкамлади.



Сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг мудофаа идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. COVID-19 пандемияси туфайли икки мамлакат ўртасида бевосита алмашув ва ҳамкорликда муайян қийинчиликлар юзага келганига қарамай, мудофаа идоралари ҳарбий тиббиёт ҳамда таълим соҳасида ҳамкорлиқни фаоллаштирмоқда.

Ўзбекистон Қуrolли Кучлари бундан кейин ҳам минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда етакчи ўрин тутишига ишончим комил.

Кристиан ШМИДТ,
Германия Қуrolли Кучлари ишлари бўйича идорасининг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, полковник:



— Берлиндан Тошкентга илиқ саломларимни йўллашдан бахтиёрман. Ўзбекистон Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги билан табриклаш мен учун алоҳида шарафдир.

Ўтган 30 йил мобайнида муносабатларимизга ижобий таъсир қилган қўлпаз воялардан оз берди. 25 йилдан зиёд давр мобайнида Ўзбекистон ва Германия Қуrolли Кучлари самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик ўзининг қадр-қимматини исботлади ва ҳар икки томон бунини юқори баҳолайди. Айни пайтда ҳам биз мунтазам aloқамиз ва ўзаро делегацияларни алмашмоқдамиз. Масалан, таширлар доирасида Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан экспертлар мулоқотлари ташкил этилаётир. Бу бизга бир-биримиздан ўрганиш ва кенг қўлмали масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятини берапти.

Бундан ташқари, Мудофаа вазирликлари даражасида хавфсизлик ва ҳарбий сиёсат бўйича музокалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ремко РЕЙДИНГ,
Нидерландиядаги «Шараф майдони» фонди директори:

— Нидерландиянинг Амерсфорт шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши даврида жангларда қатнашган ҳарбийлар дафн этилган. Улар орасида ўзбекистонлик 101 аскар ҳам бор. Афсуски, турли сабабларга кўра узок йиллар давомида улар ҳақида маълумот бўлмаган. Биз Ўзбекистон билан амалга оширилган муваффақиятли ҳамкорлик туфайли ушбу аскарларнинг хотирасини абадийлаштириш имкониятига эга бўлдик.

Жумладан, ҳамкорликдаги лойиҳалар орқали хужжатли фильмлар, Ўзбекистондаги “Шон-шараф” давлат музейида кўргазма ташкиллаштиришга эришдик.

Шу ўринда қайд этиш кераки, 14 январь фақат ўзбек халқининг байрами эмас, балки ушбу сана нидерланд халқи учун ҳам қадридлир. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз аҳоли-

сини, ҳамкорларимизни ва Ўзбекистон элчиюнаси ходимларини Ватан ҳимоячилари қуни билан табриқлайман. Барчага мустаҳкам сикат-саломатлик ва муваффақиятлар тилайман.

Ўзбек халқининг 101 нафар асл фарзанди номи ва хотирасини тиклаш ҳамда асраб-авайлаш бўйича ҳамкорликдаги ишларимизнинг янада фаоллашишига ишонаман.

«Дунё» АА.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

➡ Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан илгари сурилган тақлифлар асосида таромига етказилди.

Хусусан, қонун лойиҳасидаги “нодавлат суд-экспертиза ташкилоти” тушулчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда фаолиятига қўйиладиган мажбурий талаблар, нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг штат бирлиги ва раҳбарига доир шартлар, давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси ҳулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси каби бир қатор нормалар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда қонун лойиҳасидаги айрим камчиликлар ҳамда ўртага ташланган саволларга Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, Республика суд экспертизаси маркази вакиллари томонидан етарлича



жавоблар бўлмаганлиги туфайли қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектига уни таромига етказишга доир бир нечта тақлиф ва тавсиялар берилди.

Қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚ ТЎЛДИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг почта соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Лекин 2000 йилнинг 31 августида қабул қилинган “Почта aloқаси тўғрисида”ги Қонун бугун замонавий талабларга жавоб бермай қолди. Шундан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки масала “Почта aloқаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, аҳолига тезкор, замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш учун шaroитлар яратиш имконини беришини инobatта олиб, лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Фракция йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар доирасида юзага келадиган барча форс-мажор ҳолатларни тасдиқлаш Инвести-

циялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалга оширилиб келинади. Аммо маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган бундай ҳолатларни тасдиқлаш бўйича ваколатли орган белгиланмаган ва бу тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси бундай ҳолатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳужжали шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайди (форс-мажор) ҳолатларни тасдиқлаш ваколатини Савдо-саноат палатасига бериш кўзда тутилган.

Депутатлар қонун лойиҳаси бу борадаги норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши, ҳуқуқий бўшлиқнинг тўлдирилишига хизмат қилишини эътиборга олиб уни маъқуллади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

75 МИНГ ГЕКТАР ИНТЕНСИВ БОҒ ВА УЗУМЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси “Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказди.

Семинар

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги вазирликлари, Ўрмон ҳўжалиги, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўникмаларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 30, 31 ва 32-мақсадларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ ҳўжалигида йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камида 7 миллиард куб метр сувни икти-сод қилиш, сув ҳўжалиги объектларини электр энергияси истеъмолини 7,3 млрд кВт. соатдан 6,9 млрд кВт. соатга камайтириш, сув ҳўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш мақсад қилинган.

Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да юқоридagi 3 та мақсаднинг баҳарлилигини таъминлаш юзасидан 18 та тадбир белгиланган ва булар 41 та механизм орқали ижро этилиши назарда тутилган.

Семинарда мазкур ҳужжатда белги-

ланган вазифаларнинг амалга оширилиши орқали ҳосилдорлиқни пахтадан ўртача 40 — 45 центнер, галладан 70 — 75 центнерга етказиш, 200 минг гектар пахта ва галла майдонларида лазерли текислашни жорий қилиш, 110 та мевасабзавотчилик ва 35 та галлчилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилаётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, 75 минг гектар интенсив боғ ва янги узумзорлар барпо қилиш, 129 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш, сув тежовчи технологияларни 260 минг гектарда жорий этиш, чор-ва озўқа майдонини 722 минг гектарга етказиш мақсад қилингани таъкидланди.

Жорий йилда Ўрмон кодекси, “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгилангани айтиб ўтилди.

Семинарда Тараққиёт стратегиясининг ҳар бир йўналишида белгиланган вазифалар қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш билан бирга, аҳолининг яшаш шaroитини янада яхшилашга хизмат қилиши эътироф этилди.

Яқунда депутатлар томонидан Фармон лойиҳаси бўйича бир қатор тақлиф-белгилариб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ҲАЁТИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ



Самарқанд давлат университет-тида физика, электроника, назарий ва амалий механика, биология, агробиотехнологиялар каби соҳаларда шаклланган ҳамда бугунги кунда ҳам самарали фаолият олиб бораётган ўнга яқин илмий мактаблар асосида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга йўналтирилган тузилмаларни ташкил этишга энг муҳим масала сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.

СамДУнинг Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти ташкил этилиши, нафақат мамлакатимиз учун, балки бутун дунёда долзарб бўлган кишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида жуда муҳим қадамдир.

Мазкур институтнинг ўқув, илмий тадқиқот ва инновация фаолиятига етакчи хорижий университетларнинг илгор аграр таълим технологиялари жорий қилинади. Қолаверса, янги институтда таълим тизимини тўғри ташкил этиш ва кейинги йилларда барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу хорижий университетларнинг вакиллари ва етакчи мутахассислари жалб этилади, уларнинг доимий фаолияти йўлга қўйилади.

Олий таълим маскани бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда етук мутахассислар тайёрлайди ва илм-фан йутқларини кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига самарали жорий этади. Шу нуқтаи назардан, ушбу институт минтақамизнинг аграр соҳадаги потенциални янада юксалтириш ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Бугун дунёнинг жуда кўп минтақаларида озиқ-овқат етишмовчилиги муаммоси бор. Тинимсиз урушлар, иқлим ўзгариши, табиий офатлар, қургоччилик мазкур муаммони янада чуқурлаштирмоқда. Аҳоли сонининг мутасил ошиши, одамлар эҳтиёжининг ортиши ушбу масала қанчалик долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Ушбу институт мазкур соҳада ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлишига ишонамиз.

СамДУнинг Мухандислик физикаси институти ҳам мамлакат тараққиёти ва ривожини учун сув билан ҳаводай зарур. Институтда бугун биз учун энг керакли бўлган муҳандислик, автоматика, мехатроника, робототехника, рақамли электроника, электротехника, машинасозлик, материалшунослик ва

янги материаллар технологияси соҳаларида кадрлар тайёрланади.

Ўқув юртида муҳандислик соҳаларида мутлақо янги йўналишларда амалий, илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш орқали кичик бизнес ва саноат учун инновацион минитехнологиялар ишлаб чиқиш ҳамда илмий ишланмалар натижадорлигини ошириш мақсадида тескари (акс) инженерия тамойиллари асосида уларни такомиллаштириш бўйича хорижий илгор тажрибалар амалиётга жорий этилади.

Бирор-бир аниқ фан ёки соҳа йўқки, у физикасиз ривожланса. Самарқанд давлат университети дунё илм-фанига буюк физикларни етиштириб берган. СамДУнинг физика соҳасидаги илмий мактаблари бугун ҳам ўз макенини сақлаб қолган. Университетимизнинг физика факультетини тамомлаганлар орасидан академиклар, давлат мукофоти лауреатлари етишиб чиққани фикримиз даллидир.

Халқ хўжалигининг барча соҳаси равнақи физика фанига чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Президентимиз эътибори ва ғамхўрлиги туфайли очилган Мухандислик физикаси институти мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим зарурат эканлигини англаймиз.

Президентимизнинг олий таълимни халқимизга янада яқинлаштириш, миллатни

талари, интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тадбирларини ўтказиш вазифалари ҳам юклатилади.

Бу тадбирларнинг барчаси университетнинг академик нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Самарқанд давлат университетининг кенгайиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, халқро алоқаларининг ривожланиши, жаҳон илм-фан ва таълим тизими-га интеграциялашуви халқимиз тақдирини қайта муҳим ўрин тутатишига ишонаман. Ушбу даргоҳда ҳам янги Ўзбекистон бунёдкорлари камолга етади, таълим-тарбия олади.

Бугун Самарқанд давлат университети ўзининг иккинчи умрини яшамокда. Дунёга юз очмоқда. Университетимиз жаҳоннинг 160 дан ортиқ олий ўқув юртлиари билан алоқа ўрнатган. Улар орасида дунёнинг энг нуфузли университетлари ҳам борлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Халқро миқёсда эътироф этилган, тан олинган 70 га яқин хорижий олимлар университетида фаолият кўрсатмоқда.

Илм-фанга эътибор, олимларнинг эъзозланиши ўз натижасини кўриб ҳам куттирмаслигига ишонаман. Келгусида мазкур институтлар катта университетларга айланиб, бир пайтлар бўлганидек, бутун дунёдан илм толиблари, алломиа замонлар Самарқандга, ушбу кутлуғ даргоҳларга интилади.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев

“Бугун Самарқанд давлат университети ўзининг иккинчи умрини яшамокда. Дунёга юз очмоқда. Университетимиз жаҳоннинг 160 дан ортиқ олий ўқув юртлари билан алоқа ўрнатган. Улар орасида дунёнинг энг нуфузли университетлари ҳам борлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир.”

томонидан янги Ўзбекистоннинг пойдевори илм-маърифатдан бунёд этилмоқда. Бу иморат мустаҳкамлигини, келажак авлодларга ҳам хизмат қилишини аниқлатади.

Ўтаётган беш йиллик Самарқанд давлат университети янгиламини, ўзгариши, тараққий этиши даври бўлиб, тарих саҳифаларига муҳрланади.

Илм асосига қурилган тараққиётни тўхтаиб бўлмайди. Илмга асосланган ривожланиш бир текисда давом этади. Халқ ва давлат бой бўлиши мумкин, лекин тафаккури қашшоқ одамлар ҳар қандай бойлиқни ҳам бир кунда ер билан яқсон қилишларига тарих кўп бора гувоҳ бўлган. Илмсиз одамлар жопил, бузғунчи, ғазабкор, вайронкор бўлади.

Ўзбекистон йўли — маърифат йўли. Президентимиз Шавкат Мирзиёев маърифатли жамият барпо этмоқда. Ўзбекистон бутун дунёга маърифат, эзгулик, тинчлик ва тараққиёт улашмоқда...

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Шероф Рашидов номидagi Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Таҳлил

Бугун бутун халқимиз томонидан кенг муҳокама қилинаётган Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси инсон қадрини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда халқларвар давлат барпо этишга йўналтирилган билан алоҳида эътиборга эга.

Унда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” умумбашариий тамойилини бирлаштирувчи 7 та устувор йўналиш белгиланган. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат қуриш, миллий иқтисодиётни кучайтириш, унинг ўсиш суръатини замон талаби даражасида таъминлаш, адолатли иқтисодий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш шўлар жумласидандир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАРОВОН ТУРМУШ КЕЧИРИШИ ҚОНУНЛАР УСТУВОРЛИГИГА БОҒЛИҚ

Давлатимиз раҳбари халқимиз биздан рози бўлиши керак, дея кўп бор таъкидлайди. Халқ қачон рози бўлади? Қачонки, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлангандагина ўз ҳаётидан рози бўлади. Ҳар бир фуқаро шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси экан, унинг шахсий, иқтисодий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишимиз, бахтли ва фаровон яшашга ҳаққи борлигини теран англашимиз лозим. Бунинг учун уларда тўб ислохотлар мўҳиятан айнан шунга қаратилганлигига ишонч ҳиссини ўйғотишмиз талаб этилади.

Бунга қайсидир маънода эришганимиз, дейиш учун мунайян асослар бор. Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган даврда давлат ва жамият ҳаёти барча жаҳасини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонунлар ва Президентнинг 4 мингдан зиёд қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги беш йилликдаги ислохотлар туфайли мамлакатимизда “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқларвар давлат” ғояси асосида янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Бугун ана шуларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, кейинги йилларда “Ҳаракатлар стратегиясида — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт марказларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадвал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаол

фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган вазифаларни энг устувор йўналишлар сифатида белгиллаб олмақдамиз.

Маълумки, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш суд ҳокимияти мустақиллиги, судьяларнинг адолатли қарорлар чиқариши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам Тараққиёт стратегиясида судлар олдида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиб, улар ишончини қозониш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш бўйича қатор вазифалар қўйилмоқда. Суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, “Хабеас корпус” институти янада ривожлантириш орқали тергов усидини мансабдор шахсларнинг турли ҳал асосида вақтар билан кўчмас мол-мулкни бузиш, мол-мулкни, хусусан, ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ муаммолар ҳаёда учраб турибди. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ҳамда хусусий сектор вакилларининг қонун устуворлиги тамойилига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончини сусайтиришга олиб келмоқда.

Айни муаммолар боис

чиларининг соҳага доир ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш учун “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” ишга туширилади. Бу сайт-ҳаракатлар, пировард натижада коррупциянинг барча қўрғинини йўқотиш ва одамлар турмушини янада яхшилашга олиб келади.

Лойиҳада хусусий мулк дахлсизлиги ҳамда ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулк, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш ҳам қамраб олинган. Зеро, хусусий мулкни ҳар қандай таъжову ва таҳдиддан сақлаш айна ҳоғда долзарб вазифалардан саналади. Бугунги кунда ўзбошимчилик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг турли ҳал асосида вақтар билан кўчмас мол-мулкни бузиш, мол-мулкни, хусусан, ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ муаммолар ҳаёда учраб турибди. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ҳамда хусусий сектор вакилларининг қонун устуворлиги тамойилига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончини сусайтиришга олиб келмоқда.

Айни муаммолар боис

Бу институти изчил ривожлантириш учун адвокатлик лицензиясини “Лицензия” ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартибини жорий этиш, адвокатнинг процессдаги иштирокини таъминлашни соддалаштирувчи “Электрон адвокат ордери”ни йўлга қўйиш чоралари белгиланган. Бу орқали адвокатура институти халқро талабларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш мақсад қилинган. Қолаверса, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қўлами кенгайтирилади, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланиш йўлга қўйилади.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 1,4 БАРАВАР ОШИРИЛАДИ

Бунда пахта-тўқимачилик кластерлари локомотив вазифасини ўтайди.

Саноат салоҳиятини ошириш, аниқроғи, пахта-тўқимачилик саноатидаги юксалишда мамлакатимизда фаолият юритаётган 122 та пахта-тўқимачилик кластери локомотив вазифасини ўтайди, десак, муболага бўлмайди. Негаки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солинган кластер усули пахтачилик мисолида ўзини тўла оқлади. Натижада бугун пахта хом ашёсини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашда мазкур янги тизим иштирокчилари асосий кучга айланди. Шу боис кластер тизимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришмиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нуқтада аҳоли даромадларини кўтариш борасида белгиллаб олинган мақсад-маъдаоаримизга эришиш учун “Хом ашёдан — тайёр махсулотгача” тамойили асосида кластер тизими ривожлантирилишини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди: “Биз учун стратегик тармок бўлган кишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш фойда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги махсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади”.

Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясининг мантаний давоми бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида кластер тизими янада ривожлантирилади. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясининг учинчи — миллий иқтисодиётини ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишида тўқимачилик саноати махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 2 баравар (13 миллиард доллар)га кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини 3 баравар (20 минг доллар)га ошириш кўзда тутилган. Бу эса пахта-тўқимачилик саноатида етакчи кучга айланган кластерлар зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Шунинг учун кластер усули тобора оммалашиб, бугунги кунда у кириб бормеган ижтимоий-иқтисодий соҳалар деярли қолмади. Натижада ушбу инновацион тизим кишлоқ жойларда яшаётган аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш орқали ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, соҳада самарадорликни кўтаришда асосий роль ўйнамоқда.

100 фоизлик натижалар

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда мамлакатимизда етиштирилаётган ялли пахта ҳосилининг бор йўғи 0,9 фоизи кластерлар ҳиссасига тўғри келган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилда 15,1 фоизи, 2019 йилда 68 фоизи, 2020 йилда 91 фоизни ташкил этиди. 2021 йилдан эътиборан пахта хом ашёси 100 фоиз пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етиштирилади.

Чиндан ҳам, кластерлар 2021 йилда 1 миллион гектардан ортиқ майдонда ғуза парварлишган бўлса, пахта ҳосилини ҳар қачонгидан эрта йиғиштириб олишга муваффақ бўлинди. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, 2020 йилдагига нисбатан 422 минг тонна кўп, жами 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси етиштирилди, ҳосилдорлик ўртача 6,3 центнерга ошди.

Масаланинг учинчи томони ҳам борки, бу ер эгалари, шу жумладан, фермерларнинг моддий манфаатдорлиги оширилгани билан боғлиқ. Агар бундан беш йил олдин кўплаб фермер хўжаликлари пахтадан даромад олишни орзу қилган бўлса, пахтачиликда хусусий секторга кенг имкониятлар яратиб берилгач, кооперация асосида кластерлар билан ҳамкорлик қилган фермер катта миқдорда фойда ола бошлади. Яқиний ҳисоб-китобларга кўра, фермер хўжаликлари охириги мавсумда 7,9 триллион сум соф даромад олишга муваффақ бўлган фикримиз тасдиқдир. Бу эса пахтачиликда кластер тизимининг жорий етишганлиги мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар тўғриси олиб борилаётгани, мазкур инновацион тузилма аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий омилга айланиб бораётганини кўрсатади.

Пахтачиликда тўлиқ кластер усулига ўтишгач, нафақат хом ашё етиштириш, балки уни чуқур қайта ишлашда ҳам тўб ўзгаришлар юзага келди. Гап шундаки, мустақиллигини дастлабки йилларида юртидада етиштирилган пахта хом ашёсининг тахминан 7 фоизи ўзимизда қайта ишилди, 2016 йилда бу кўрсаткич жами 37 фоизга етказилган эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўз пахта толасини 100 фоиз қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бунинг эвазига хом ашё экспорти батамом тўхтади. Аксинча, қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга махсулот сифатида экспорт қилина бошланди.

Бошқача айтганда, тогани ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажми ортиб, калава ип

йиғириш 2 баробар, тайёр махсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ошди. Ўз навбатида, экспорт миқдори муттасил ортиб, 2021 йил якунири бўйича 3 миллиард долларга етказилиши кутляпти. Буларнинг барчаси кластерлаштириш шарофати эканлиги билан изоҳланаётгани қувонарлидир. Дарҳақиқат, кластер ўзида кишлоқ хўжалиги ва саноатни бирлаштиргани туфайли соҳада сифат ўзгаришлари ясади. Ахир ушбу усулда чигитни ерга қадашдан тортиб, пахта етиштириш, уни йиғиштириб олиб, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга тайёр махсулотга айлантириш — барча-барчаси кластер иш-тироқчилари томонидан амалга оширилади. Яъни “Хом ашёдан — тайёр махсулотгача” тамойили асосида беш босқичли тўлиқ саноат занжир яратилди. Бунинг биринчи бўлиб мамлакатимиздаги қалдирғоч кластер ҳисобланган “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери йўлга қўйди.

“Мамлакатимизда кластерлар ташкил этилиши билан бирга, чекка қишлоқларга ҳам саноат кириб бориб, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортапти, экспорт имкониятлари кенгаймоқда. Ўтган даврда 1,8 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилиниб, кластер усулида махсулотни чуқур қайта ишловчи 297 та лойиҳа ишга туширилгани, 152 мингта иш ўрни яратилгани диққатга сазовор.”

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда мавжуд кластерларнинг 17 тасида пахтани қайта ишлашнинг бешта босқичи, 22 тасида тўрта босқичи, 30 тасида учта босқичи, 36 тасида 2 та босқичи ва 16 тасида битта босқичи қамраб олинган. Аммо устувор режага кўра, яқин келажакда барча кластерлар беш босқичли чуқур қайта ишлаш тизимига тўлиқ ўтади.

Ҳосилдорлик ошар экан, ўз-ўзидан даромад ҳам ортади

ортиб, 30 центнерга етди. 2021 йилда эса ҳосилдорлик янада кўпайиб, аксарият кластерларда 35 — 40 центнергача саноат хом ашёси йиғиштириб олингани эътиборга молик.

Масалан, Наманган вилоятида кластер тизими жорий этилмасдан олдин пахта ҳосилдорлиги 24 центнернинг нари-берисида эди, холос. Тармокқа кластер кириб келгач, ўртача ҳосилдорлик 11 центнерга кўтарилди, охириги мавсумда 35 центнерга етказилди. Натижада 60 минг тонна қўшимча саноат хом ашёси йиғиштириб олинди. Бунинг бош омил — манфаатдорлик билан изоҳланади. Чунки пахта хом ашёсига буюртмачи ҳам, уни етиштирувчи ва қайта ишловчи ҳам кластерларнинг ўзи ҳисобланади. Шу маънода, мўл ва сифатли хом ашё етиштиришдан, аввало, кластерлар манфаатдор!

Ушбу йутқлар замирида яна бир омил бор. У ҳам бўлса, кишлоқ хўжалигининг

техник ва технология жиҳатдан модернизация қилинаётганидир. Бинобарин, кластерлар томонидан умумий қиймати 2,5 триллион сўмлик 5 минг 200 дан ортиқ ресурстежамок ва юқори унумли техникалар олиб келинди.

Шу билан бирга, 126 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган 143 минг гектар экан майдонлари қайта фойдаланишга киритилди.

Бу натижалар ҳали чегара эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан кластерлар олдида яқин келажакда ҳосилдорликнинг камиди 2 баробар кўтариш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга олиб чиқиш, қишлоқлардаги аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш вазифаси қўйилган.

Муҳими, мамлакатимизда кластерлар ташкил этилиши билан бирга, чекка қишлоқларга ҳам саноат кириб бориб, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортапти, экспорт имкониятлари кенгаймоқда.



да. Ўтган даврда 1,8 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилиниб, кластер усулида махсулотни чуқур қайта ишлайдиган 297 та лойиҳа ишга туширилгани, 152 мингта иш ўрни яратилгани сўзими исботдир.

Хусусан, 2018 — 2021 йилларда фақатгина пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жами 1 миллиард 411 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди. Пировардида пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳасида 27 та лойиҳага 115 миллион доллар, 41 та калава ип ишлаб чиқариш лойиҳасига 831 миллион доллар, 34 та мато ишлаб чиқариш ва буюш лойиҳасига 231 миллион доллар, 23 та трикотаж (тикув) махсулотлари лойиҳасига 234 миллион доллар йўналтирилди. Табиийки, бу кластер ишчи-ҳодимларининг даромади орттиши, маҳаллий бюджетларга тушумлар кўпайишида муҳим омил бўлаётди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ҳодимларининг даромади 2017 йилдагига нисбатан 2 баробар ортгани, ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи эса 2,4 баробар кўтарилгани, туманларда солиқ ва бюджет тушумлари 2017 йилдагига нисбатан 5-6 мартаба ортгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинади

Энди асосий масала, саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 1,4 баро-

хулоса ўрнида айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида кластер тизими саноатни ривожлантиришда чинакам “ўсув нуқтаси”га айланади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳа ривожига тўсқ бўлган барча говлар олиб ташланаётгани, молиялаштиришда янги тизим жорий қилинаётгани уларнинг ташки бозорларда рақобатдошлигини таъминлаб, иқтисодий қудратимиз орттишига хизмат қилади.

Саъдулла ТОҶИЕВ, Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт фанлари номзоди.



Оролбўйи ҳудуди: АРМОНГА АЙЛАНГАН ТЎЛҚИНЛАР ЁКИ БУГУНГИ ИШЛАРНИНГ ИЛИҚ ЭПКИНЛАРИ



...Мана, ўшандан буён неча йиллар ўтди. Одамзод халигача ўз хатосини тузатиш билан овора. Орол денгизи қуриши оқибатини бартараф этиш, экологик вазиятнинг юмшатиш пайдидан бўлмоқда. Бироқ табиат ҳам бўш келмаяпти: Орол денгизи тубидан чиққан чанг ва туз одамзод оёғи етмаган тоғли чўққиларга-да етиб борди. Эколог, олим мутахассисларни қўя турайлик, Ер шарининг нариги чеккасидаги фермер ёки деҳқон ёхуд оддий одам ҳам Орол муаммосини ҳис қила бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, бугун Орол муаммоси глобал тусл олди, ўз навбатида, унинг ечимини топиш ҳам. Бунда айниқса, кейинги йилларда амалга оширилган ва бажарилиши режалаштирилаётган ишлар эътиборга молик. Хусусан, ҳудудда сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кенг қўллади ижтимоий-иқтисодий ислохотларга қўл урилди. Энг аввало, Оролбўйи ҳудудларида 1,6 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар, яшил қопламалар барпо этилди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди" деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинди. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатлар ҳудудга жўшқин ҳаётни қайтаришга қартилган навбатдаги эзгу ва қўламини кенг ишларга туртки берди.

Оролбўйи минтақаси — Ўзбекистоннинг Шимоли-ғарбий қисмида, Амударё қуйи оқимида, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган ҳудуд. Майдони 172 минг 700 квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 854 минг киши. Бу ерда ўтган беш йилда sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий қиймати 4 миллиард доллардан зиёд инвестиция лойиҳалари рўйбга чиқарилди. Оролбўйи минтақасининг экспорт ҳажми 3 баробар ошиб, 2,8 миллиард долларга тенг бўлди. Сўнгги беш йилда тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори қарийб 7 баробар ўсди ва минтақага 250 миллион доллар ҳажмидаги хорижий сармоялар кири-тилди.

Кичик бизнес субъектлари сони 43 мингдан ортди. Минтақадаги аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида қарийб 25 мингта хонадонли уй-хўйлар барпо этилди. Бу олдинги беш йилдагига қараганда 3,4 баробар кўпдир. Оролбўйи ҳудудининг 853 минг нафар аҳолиси илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 81 олис қишлоқ ва овулнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Оролбўйи минтақаси юқори иқтисодий салоҳиятга эга ҳудуд. Таҳлилларга кўра, кейинги беш йилда ҳудуддаги 350 минг ёш меҳнат бозорига кириб келади. Минтақанинг асосий "драйвер" соҳалари — қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, электротехника, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат sanoati, мебелсозлик, чорвачилик қабилар ҳисобланади.

Ҳудуднинг туризм соҳасидаги потенциал ҳам жуда юқори. Бу ерда 85 та янги кичик sanoat зонаси ташкил этила-

ди. Оролбўйи минтақасининг Мўйноқ, Тахтақипир, Бўзатов, Шуманай, Тўпроққалъа, Янгиарик ва Янгибозор туманларидаги тадбиркорлик субъектларига солиқ ва боғхона имтиёзлари тақдим этилади. Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 580 мегаватт қувватга эга Тахиятош иссиқлик электр станцияси ишга туширилган бўлса, 2022-2023 йилларда эса 2 минг мегаватт қувватдаги "яшил энергетика" лойиҳалари амалга оширилади.

гача саксовул экиш ишлари денгиздан томчидай гап. Демак, ишлар қоникарли эмас. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Мўйноқ туманида ҳам бўлиб, Орол денгизининг қуриган майдонига саксовул экиш вазифасини белгилаб бергани тарихий воқеа бўлди. Шундан сўнг ишлар жадаллашиб кетди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 500 дан зиёд замонавий техникалар қорақалпоқ халқига



Маълумотларга қараганда, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммолар ҳақида ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан гапирила бошланган ҳамда бу борада ўрганиш ва изланишлар олиб борилган. 1990 — 2017 йиллар оралиғида ҳам денгизнинг қуриган қисмига чўл ўсимликларини экиш ишлари олиб борилган. Орол денгизининг қуриган қисми 6 миллион гектарни ташкил этса, шундан 3,2 миллион гектари Ўзбекистон ҳудудида. Мана шунча катта майдонга нисбатан 2017 йилгача саксовул экиш ишлари денгиздан томчидай гап. Демак, ишлар қоникарли эмас. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Мўйноқ туманида ҳам бўлиб, Орол денгизининг қуриган майдонига саксовул экиш вазифасини белгилаб бергани диққатга сазовор.

Кўриниши нозик — илдизи бакувват

Мутахассисларнинг айтишича, саксовул ўзи омонат, нозик кўринишга эга бўлса-да, илдизи бакувват бўлгани учун ерга мустаҳкам ўрнашади. Унинг асосий хусусияти саҳро тўпроғини шамолдан пана қилиб, эрозия ҳолатларининг олдини олади. Қум ва чангни ушлаб қолади. У ҳаққий чўл ўсимлиги ва айнан Оролқум учун жуда зарур. Шу боис бугун юртимиз мутасаддилари ҳамда мутахассислари денгизнинг қуриган тубига саксовул экишни нафақат тавсия этишяпти, балки бу ташаббусни фаол қўллаб-қувватлашяпти ҳам.

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммолар ҳақида ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан гапирила бошланган. Шу билан бирга, бу борада бир қатор ўрганиш ва изланишлар олиб борилган. 1990 — 2017 йиллар оралиғида денгизнинг қуриган қисмига чўл ўсимликларини экиш ишлари ҳам олиб борилган. Орол денгизининг қуриган қисми 6 миллион гектарни ташкил этади ва шундан 3,2 миллион гектари Ўзбекистон ҳудудида. Мана шунча катта майдонга нисбатан 2017 йил-

ҳашарга келди ва ариқлар тортилиб, авиация ёрдамида саксовул уруғи сепиш бошлаб юборилди. Ўша куз-қиш мавсумининг ўзида 411 минг гектардан зиёд майдонга саксовул уруғи екилди.

— Бугунги кунга Орол денгизининг қуриган 1 миллион 600 минг гектар майдонига саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар уруғлари ва кўчатларидан екилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси ўринбосари Ернияз Акимиязов. — Мутахассисларимиз ўрганишлари давомида бир йил олдинги ҳолатдан кейинги йилда кўпроқ саксовуллар кўкларган ҳолати аниқланди. Буни олимлардан сўраганимизда саксовул уруғлари ўз унвчанлигини икки йил давомида сақлашини ва ҳаттоки иккинчи йили ҳам юқори даражада кўкларувчанлик бўлиши ҳақида хулоса беришди.

Ўтган йиллар давомида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан саксовул, қандим, черкез ва тузга чидамли бошқа ўсимликлар екилиб келинмоқда.

Албатта, экиш ишлари қўламан жихатидан катта, энди уларнинг кўкариши қандай, деган савол юзига келиши табиий. Биз, олимлар ва тегишли мутахассислар

билан ҳар йили ўсимликларнинг ўсиб, ривожланишини ўрганиб бораёмиз. Мониторинг натижаларига кўра, 50 — 55 фоизгача кўкларганлиги аниқланди.

— Орол денгизининг қуриган тубига ўсимликларни екишда ва уларнинг яшовчанлигини оширишда инновацион усуллар ҳам қўлланилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг маслаҳатчиси Улбосин Мирзаназарова. — Хусусан, Испаниянинг

йўналишида докторлик ҳамда таянч докторантурада илмий изланишлар ҳамда диссертациялар мавзулари ҳам айнан Оролбўйи ўсимликлар дунёси, мазкур ҳудуднинг экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

2017 йилдан ҳозиргача ўтказилган таҳлиллар экилган саксовуллар қўтилганидек натижа бераётганини кўрсатяпти. Илмий хулосалардан маълумки, бир түп саксовул 10 тоннагача қум кўчишининг олдини ола-

Мўйноқликлар нимадан мамнун?

— Минг шўрки, сўнгги пайтларда Мўйноқда туз ва қум бўронлари олдингидек қузилмаётгани, — дейди мўйноқлик Дариға Аблаева. — Маълумотларда Орол атрофидан ҳар йили атмосферага 15 — 75 миллион тонна чанг ва туз кўтарилиши ҳақида айтилган бўлса, кенг миқёсда яшил қопламалар барпо этила бошлангандан сўнг атмосферага чанг кўтарилиши ҳам, назаримда, камайганди.

Ўтган йили мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида шундай қум-чанг бўронлари қузилганда кўпчилик Мўйноқдаги ҳолат билан қизиқиб, кўнгирак қилиб сўрашди. Қувонарлиси, бизда ўша кунлари ҳаво очик ва тоза бўлиб турди.

Орол денгизининг қуриган қисмида яшил қопламаларнинг барпо этилиши, яъни ўсимликларнинг кўкариши атроф-муҳитнинг экологик барқарорлигини таъминламоқда. Хайвонот дунёси тикланиб, қўшлар қайтиб келмоқда. Бу ҳолатдан, айниқса, қум-чанг кўтарилиши камайганидан Мўйноқ халқи миннатдор, албатта.

— Оролбўйидаги экологик вазиятнинг ижобий ўзгаришини ўсаётган саксовуллар бўйига қиёслаймиз, — дейди Ўзбекистон Экологик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Иброғия қўмитаси раиси Айсанем Бегимова. — Деярли 4 йил Орол денгизининг қуриган тубида оммавий хашарлар қилиб, катта майдонларга саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар екилганидан оммавий ахборот воситалари орқали ҳамма хабар тоғди, минг-минглаб юртдошларимиз бевосита тадбирларда иштирок этди.

Едимда 2019 йили партиямиз давлат рўйхатидан ўтгани ҳақидаги хабарни ҳам мен Орол ҳудудида саксовул экиш тадбирларида эшитгандим. Ўша пайтларда, ҳатто, ўзимда ҳам булар шунча меҳнат ҳақидаги эканлиги, кўкларармикан ўзи, деган фикр йўқ эмас эди. Аксинча, кейинги йилданок дастлабки натижалар кўрина бошлади. Ҳозир ҳам меҳмонлар ва партиянинг аъзолари билан биргаликда тез-тез бориб, экологик акциялар, тадбирлар ўтказиб тураемиз. Дастлаб экилган ўсимликларнинг қатор унди чиққани транспортда кетаётгангиз худди боғдаги кўчатлар каби кўз олдингиздан ўтиб туради. Уларни кўрган кўз қувонади, албатта. Агар, кимдир саксовуллар кўклардими, олдингиздан ўзгариш борми, деса келинг, кўринг ва бу хайрли ишга сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўшинг, деган бўлардим...

Чиндан ҳам, мазкур хайрли ишлар эпкинни бутун Ўзбекистонга ёйилди. Ҳамма унга хисса қўишга ошиқди. Бу ишлар оммавий акцияга, катта ҳашарга айланди. Бугун ана шу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Экилган саксовуллар секин-аста буй кўрсатмоқда. Шу аснода, бугун бошқа ҳудудлардан ўз бизнесини яратиб, шу ерда ишлаш истагида Мўйноққа, Оролбўйига келаётганлар сони кўпаяётганини таъкидлашимиз жоиз. Негаки, Президентимиз ташаббуси билан ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар одамларнинг келажакка бўлган ишончини кучайтирмоқда.

Орол денгизи аввалги ҳолига қайтармикан?! Лекин бугун ҳудудда яратилаётган шарт-шароитлар, эзгу мақсадли ислохотлар одамларга қулайликни қайтариб бермоқда. Муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратмоқда. Ана шуниси муҳим.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРГА МАСЪУЛ?

Фаргона туманининг Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ёшлар етакчилари учун навбатдаги амалий семинарда ушбу саволга мутасаддилар томонидан батафсил жавоб айтилди. Унда тумандаги "Баҳор", "Чимён" маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Семинар

Тадбир давомида 14 — 30 ёш тоифасидаги йигит-қизлар ўртасида спортнинг футбол, баскетбол, шахмат-шашка, стол тенниси каби турлари бўйича мусобақалар, шунингдек, китобхонлик, маданият ва санъат, компьютер саводхонлиги бўйича тренинглар бўлиб ўтди. Фаргона тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 12-ўрта таълим мактабида намоёйш этилган ҳарбийларнинг чиқишлари, "Менинг маҳаллам —

менинг фахрим" мавзuida фольклор-этнографик жамоаларнинг концерт дастури барчага бирдай манзур бўлди. Шунингдек, ёш оилалар ўртасида ошпазлик маҳорати бўйича танлов, хотин-қизлар учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ҳам ташкил этилди.

— Янги йилдан ҳар бир маҳаллада иш бошлаган ёшлар етакчиларининг биринчи галдаги вазифаси 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар манфаатларини

таъминлашга йўналтирилган манзилда дастурларни шакллантиришдан иборатдир. — дейди Фаргона тумани ҳокими ўринбосари Илҳом Тошпўлатов. — Шу асосда тегишли маҳалладаги ҳар бир ёш билан ишлаб, муаммосини ҳал этиш, беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда йигит-қизларимизнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш, тадбиркорликка йўналтириш ишларини олиб бормоғи лозим. Бу эса ёшлар етакчилари зиммасига юксак масъулият юклайди. Семинарда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида урғу берилди.













Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



"Шарқ" нашіріет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Тахририятга келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіріет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
--	---